

TRAINING FUTURE DEFECTOLOGISTS IN HIGHER EDUCATION ON THE BASE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Тешабоева Феруза Рахимовна

*Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти
Маҳсус педагогика кафедраси в.б.доценти (PhD)*

Abstract: This article shows the theory and practical information about HobkiHe improving the efficiency of training module "Special teaching method for a native language." Namely, the use of SMART technology in the formation of the goal of classes and creating electronic resources for modules.

Keywords: deaf and hard of hearing children, interactive methods, lesson, training, higher education, teaching, method, process, quality, teacher.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар соҳада янги босқич ва қиёфага ўтмоқда. Узлуксиз таълимнинг давлат ривожланишига бекиёс таъсирини кўрсатувчи бўғини олий таълим бўлиб, бу соҳада ҳам қатор ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Чунки қанчалик етишиб чиқаётган кадрлар меҳнат бозорига тайёр бўлсалар, халқ фаровонлиги ҳамда оиласарнинг ижтимоий-иктисодий муносабатлардаги фаол иштироки шунчалик таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармонида олий таълимни ҳам мазмунан, ҳам ташкилий-педагогик, ҳам халқаро ҳамкорлик жаҳатдан янги босқичга кўтариш масаласи алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилган. Айниқса, олий таълимда фан-модулларни ўқитиш жараёнига инновацион, хусусан рақамли технологияларни татбиқ этиш вазифаси долзарб йўналиш сифатида танланган. Ушбу вазифанинг долазрблиги мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини халқаро тенденциялар, стандартлар билан оптималлаштириш, олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёни сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида педагогик жараёнга самарали методларни татбиқ этиш билан боғлиқдир. [5,104 - 6]

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, уларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” каби долзарб вазифалар алоҳида эътироф этилган.¹

Дефектология соҳасида кадрлар тайёрлаш республикамизнинг қатор ОТМ ларида амалга оширилмоқда. Жумладан, Низомий номидаги ТДПУ, Кўқон, Чирчик, Жиззах, Нукус давлат педагогика институтларида кадрлар тайёрланмомоқда. Дефектологиянинг мустақил 4 та бўлими бўлиб, улар Олигофренопедагогика, Сурдопедагогика, Логопедия ва Тифлопедагогика. Ушбу бўлимлардан бугунги кунда Олигофренопедагогика, Сурдопедагогика ва Логопедия йўналишлари бўйича ўқув режалар ишлаб чиқилган ва кадрлар тайёрланмомоқда. Тифлопедагогика йўналишида ҳали мақсадли қабул жорий этилмаган.

Сурдопедагогика йўналиши кар ва заиф эшитувчи болалар таълими йўналишида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланади. Ушбу йўналиш ўз ривожланиш тарихи ва методологик асосларига эгадир. Сурдопедагогика йўналишида ўқув режа, ўқув дастурлари ва ишчи дастурлар тайёрлаш бўйича Низомий номидаги ТДПУ таянч муассаса ҳисобланади.

Маълумки, кар ва заиф эшитувчи болалар ривожланишида муҳим ижтимоий омил бу нутқадир. Қанчалик бу болаларда нутқ ривожланишига эрта эътибор берилса, шунчалик бу болалар узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида таҳсил олишга самарали тайёр бўладилар. Уларда нутқ ривожланиши она тили қонуниятлари асосида амалга оширилади. Яъни бола учун қайси тил она тили бўлса, бу боланинг нутқи шу тил ҳусусияти асосида ривожлантирилиши лозим бўлади. [4,18-б]

Шу боис, мазкур соҳа кадрларининг тайёрланишида “Она тилини ўқитиш маҳсус методикаси” модули алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки мутахассис кар ва заиф эшитувчи болага тилни ўргатишнинг методикасини пухта эгаллаган бўлиши маҳсус таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифатли ташкил этилишига ҳамда бу болаларнинг ижтимоийлашувига ижтимоий таъсирини берувчи омиллардан ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

“Она тили ўқитиши махсус методикаси” фанини ўқитиши зарурияти, тузилмаси фундаментал-инновацион ўзгаришлар кечеётган ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Ҳозирги кунда Кўқон ДПИ илмий ишлари режаси билан боғлиқ равишда “Олий таълимда “Она тили ўқитиши махсус методикаси” модулини ўқитиши самарадорлигини ошириш технологиялари” мавзусида илмий тадқиқот ишининг тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқот доирасида илк таҳлилий ишлар натижасида ушбу модулни ўқитиши жараёнига инновацион технологияларни, хусусан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда компьютерли технологиялардан фойдаланишга мўлжалланган ўқув топшириқларини киритиши лозим деган холосага келинди. Шу боис, биз “Она тили ўқитиши махсус методикаси” фанини ўқитишида мавзуларнинг методик мажмуаларини ишлаб чиқишида, мақсад белгилашда SMART-технологияларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдик. Бундан ташқари тажриба-синов ишлари орқали ОТМ да фанларни ўқитиши ва талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Масалан, “Она тили ўқитиши махсус методикаси” фанини ўқитишида ўрганилаётган мавзуларнинг кичик матнлар ва умумий кўринишдаги лавҳалар шаклида ўрганилиши ҳамда уларнинг мантиқан боғланмагани ва блоклар бўйича тизимлаштирилмаган. Она тилини ўрганиш ва ўргатишида интегратив ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. ОТМ нинг педагогик жараёнида интегратив ёндашувни қўллаш тизим ёки яхлит бўлимнинг ички ва ташқи боғлиқ соҳаларини ўзаро уйғунлаштириши билан амалга оширилади. Дефектологик мутахассисни тайёрлашда интегратив ёндашув касбга оид билимлар, кўникма ва малакалар ҳамда компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий уқувлар-педагогик техника, вербал ва новербал мулоқотдан фойдаланиш кабиларнинг яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилади. Модулни ўқитишига масъул педагог ҳар бир машғулот учун мақсад белгилашда “SMART” технологиясига асосланиши талаб этилади.

“SMART” атамаси дастлаб, 1954 йилда олим, педагог Питер Фердинанд Друкер томонидан киритилган бўлиб, 1965 йилда Paul J Meyer, 1981 йили эса George T. Doran ўз илмий ишларида қўллаган². SMART - “Specific” (ўзига хос), “Measurable” (ўлчаб бўладиган), “Attainable” (эришиб бўладиган), “Relevant” (долзарб), “Time-bound” (аниқ муддатли) инглизча сўзларининг бош ҳарфлари билан ифодаланган.(Ji-SeongJeong, Mihye Kim and Kwan-HeeYoo. A Content Oriented Smart Education System based on Cloud).

²www.wikipedia.org

“Она тили ўқитиши махсус методикаси” фанининг ўқитилишида зарур бўлган воситалар қуидагилар:

Веб воситалар. Фанга доир онлайн электрон ахборот – таълим ресурсларига эҳтиёж каттадир. Амалиётда дефектология йўналиши ўқитувчилари ва талабаларининг бу йўналишда Россия интернет манзиллари ва ресурслари базасидангина фойдаланаётгани кузатилди. Келажакда ушбу йўналишда миллий ресурслар рўйхати шаклланиши устида ишланмоқда.

Веб воситаларни бойитиши амалий машғулотлар давомида ва мустақил билимларни ўзлаштиришга кенг имконият яратади. Биз ушбу восита тузилмасини қуидаги мундарижа асосида шакллантиришни кўзда тутмоқчимиз:

1. “Она тили ўқитиши махсус методикаси” ўқув модулининг ишчи ўқув дастури – 110000 – Педагогика таълим соҳаси давлат таълим стандарти ҳамда 5111900-Дефектология (Сурдопедагогика) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари асосида талабаларнинг мутахассислик бўйича компетентлик даражасига қўйилувчи талаблар билан танишиш имконини беради. Ушбу модул таркибида ўқув режа, дастур, БКМ ва компетенциялар, малака талаблари юкланди.

2. “Педагогик маҳорат” ёки “Мутахассис минбари” модули. Модулни ўзлаштиришнинг турли шакллари тақдим этилади. Улар: веб маъruzалар, семинарлар, “Мастур класслар”, амалий машғулотлар, тренинглар, анимацион роликлар, электрон альбомлар, медиа файллар, аудио, видео материаллар, электрон тақдимотларнинг слайдлари, тасвирий материалларни ёритувчи web-хужжатлар юкланди.

3. Медиа бурчак. Ўқув модули бўйича назарий ҳамда амалий билимларни самарали ўзлаштириш имкониятини яратадиган материаллар. Бу турдаги материаллар сирасига қуидагилар киради: маъруза матни ёки назарий материаллар тўплами, электрон тақдимотлар, электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар, электрон ўқув-методик қўлланмалар, машқ ва масалалар тўплами.

4. *Атамалар лугати ёки глоссарий* – ўқув модулига оид махсус

5. Кўшимча материаллар. Энциклопедиялар, маълумотномалар, лугатлар, норматив-методик ҳамда норматив-техник хужжатлар.

6. Жорий, оралиқ ва якуний назорат – ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ёки яхлит ўқув модули бўйича назорат саволлари, амалий ишлар ёки тест топшириклиарининг тўплами.

2. “Бўлажак мутахассис минбари” . Талабалар фан мазмунига мос тайёрланган медиаресурсларини юклайдилар. Айниқса, касбий амалиёт жараёнида тайёрланган видеолавҳалари, касбий рекламалар, буклетлари.

3. Онлайн баҳолаш-интерактив тизими. Бу ерда талабаларга топшириқлар берилиб борилади. Улар учун ўз-ўзини баҳолаш имконияти яратилади. Энг муҳими тайёрланган тестлар ва топшириқлар ҳар бир мавзуга оид бўлиши талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, модулни ўқитишга масъул педагог ҳар бир машғулот учун мақсад белгилашда “SMART” технологиясига асосланиши бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга ва натижаларни самарали прогнозлаш ва мониторинг қилиш имкониятини беради.

Фойдаланилганадабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони
1. Файзиева У.Ю. “Эшлишида муаммоси бўлган болалар таълими”. Тошкент. 2006.
2. Ayupova M.YU. “Logopediya”. Toshkent-2007y.
3. Mo'minova L.R., Amirsaidova SH.M. va boshqalar “Maxsus psixologiya” O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashryoti. Toshkent – 2013 yil
4. Axmedova Z.M., Ayupova M.YU., Xamidova M.P. “Logopedik o'yin” Toshkent – 2013
5. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon, and Oppoqxo'jayev Xojixuja Azimjon o'g. "THE IMPORTANCE OF INCLUSIVE EDUCATION IN SOLVING THE PROBLEM OF EQUALITY IN THE EDUCATION OF CHILDREN WITH SPECIAL NEEDS." Open Access Repository 4.3 (2023): 757-764.
6. Soliyevna, Mirbobayeva Nodirakhan. "FORMATION OF PROFESSIONAL DIRECTION OF FUTURE DEFECTOLOGISTS." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.3 (2023): 546-550.
7. Shuhratjon, Yuldashev Sodir Juraevich Muxammadjonov Shohruh. "Speech therapy games for children with speech defects." Confrencea 11.11 (2023): 68-72.
8. Rakhimovna, Teshaboyeva Feruza. "Didactic And Motivational Opportunities For Teaching In Higher Education On The Basis Of Innovative Technologies." European Scholar Journal 2.10 (2021): 70-71.
9. Solievna, Mirboboeva Nodirakhan. "FORMATION OF PROFESSIONAL MOTIVATION IN FUTURE DEFECTOLOGISTS." Confrencea 11.11 (2023): 138-142.

- 10.Kodirova, Feruzakhon Usmanovna, S. Z. Matupaeva, and Feruza Rakhimovna Teshaboeva. "Methodical cluster-an innovative mechanism to increase the efficiency of general secondary and inclusive education." (2020).
- 11.Sahnigor, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Khomidova. "FORMATION OF KNOWLEDGE, SKILLS AND COMPETENCES IN THE PROCESS OF TRAINING CHILDREN WITH HEARING DEFECTS TO WORK." *Confrencea* 11.11 (2023): 188-192.
- 12.Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon, and Rustamova Feruzabu. "CONTRIBUTION OF CHARLES MIKHAIL EPE TO THE EDUCATION OF DEAF CHILDREN." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.3 (2023): 563-566.
- 13.Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon. "COCHLEAR IMPLANTATION: AN INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF TECHNOLOGY, MEDICINE, DEAF PEDAGOGY AND SPEECH THERAPY." *Open Access Repository* 4.2 (2023): 321-330.
- 14.Sobirkhanovna, Makhmudova Madinakhan. "SOCIO-PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF INDEPENDENT EDUCATION OF STUDENTS IN HIGHER EDUCATION." *International Journal of Early Childhood Special Education* 14.6 (2022).
- 15.Sobirkhanovna, Makhmudova Madinakhan, and Akhmedova Vazirakan. "EFFECTIVE ORGANIZATION OF CORRECTIONAL-LOGOPEDIC WORK IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY." *Open Access Repository* 4.3 (2023): 134-141.
- 16.Sobirkhanovna, Makhmudova Madinakhan, and Vakhobova Munirakan Sadirdinovna. "PECULIARITIES OF SPEECH OF CHILDREN WITH MOTOR ALALIA SPEECH DISORDER." *Open Access Repository* 4.3 (2023): 851-858.
- 17.Sobirkhonovna, Makhmudova Madinakhan, and Goyipova Nodira. "Theoretical aspects of the development of academic mobility of future speech therapists in dual education." *Asian Journal of Multidimensional Research* 11.12 (2022): 148-154.